



ПРИЕЗЖАЙТЕ,
РАБОТЫ
ХВАТИТ ВСЕМ!

5-бет.



GOOGLE ЭНДИ
ТАРЖИМА
МАТНЛАРИНИ
САҚЛАБ ҚЎЯДИ

6-бет.



ПИЁДА САЙР
ЮРАКНИ
БАҚУВВАТ-
ЛАШТИРАДИ

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

19 (1545)-son
13-may
2022

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz


АКТ ВАЗИРИ ФАРҒОНАДА

Шу кунларда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов АКТ соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш ва Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоятида хизмат сафарида бўлиб турибди.

АКТ вазири дастлаб "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиалининг Қўқон почта алоқаси боғламаси фаолияти билан яқиндан танишди. Танишиш асносида почта мижоз ва ходимлари учун қулай шарт-шароит яратиш зарурлигини таъкидлаб, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, бўш турган бинолардан фойдаланиб, уларда ВРО марказларини ташкил этиш ва бу орқали ёшларни юқори маошли иш ўринлари билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шерзод Шерматов Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурдаги Фарғона ахборот технологиялари техникумига ҳам ташриф буюриб, муассасада ўқувчилар учун яратилган имкониятларни кўздан кечирди. Ўқувчиларнинг ИТ компанияларда ва тизимдаги таъкилотларда амалиёт ўташ тартибини йўлга қўйишга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Ёшларни АКТ соҳасига кенг жалб этиш, чет тилларини ўрганиш учун шароитлар яратиш юқори технологиялар соҳасидаги билимларини юксалтириш, таълим сифатини ошириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.



ФАЗО ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АНЖУМАНИ

Шерзод Шерматов Ўзбекистонда SpaceX
ваколатхонасини очишни таклиф қилди

Тошкентда бир нечта хорижий давлатлар вакиллари иштирокида Space Technology Conference STC-2022 ("Фазо технологиялари анжумани") халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов ушбу конференциянинг очилиш маросимида қатнашиб, нутқ сўзлади.

АКТ вазири дастлаб сўнгги йилларда Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтди. "Давлатимиз раҳбари томонидан ахборот-коммуникация ва технологиялари соҳасини ривожлантириш бўйича жуда катта вазифалар олдимизга қўйилди ва жуда катта ишлар бошланди, - деди жумладан АКТ вазири. - Охириги ўтган ойлари ичида ҳам Ўзбекистон ўзига яраша дунёнинг кўпгина ахборот технологиялари мутахассиси ва компанияларини жалб этадиган марказга айланиб бормоқда. Ушбу конференцияда ҳам дунёнинг жуда кўплаб экспертлари

ва мутахассислари иштирок этмоқда. Рақамлаштириш билан космик тадқиқотларни бир-галиқда олиб борамиз".

Вазирнинг қўшимча қилишича, йўлдош алоқаси худудларда аҳолини замонавий телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш, ҳақиқий ҳолатни космик технологиялар орқали тез ва осон ўрганиш мамлакатни рақамлаштириш бўйича қўйилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш имконини беради.

Space Technology Conference халқаро анжумани доирасида АКТ вазири Ш.Шерматов SpaceX компанияси вакили Бен Мак Уилямс билан учрашди.

Учрашувда SpaceX бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида йирик лойиҳаларни амалга ошириб келаётгани, компания вакили Ўзбекистонда ҳам шундай лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлиги билдирилди. АКТ вазири ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда SpaceX ваколатхонасини очишни таклиф қилди.

ЭНГ ЙИРИК СТАРТАПЛАР

2022 йил апрел

1. Bytedance (TikTok, XHP) – \$140 млрд.
2. SpaceX (AQSH) – \$100,3 млрд.
3. Shein (XHP) – \$100 млрд.
4. Stripe (AQSH) – \$95 млрд.
5. Klarna (Швеция) – \$45,6 млрд.
6. Checkout.com (Британия) – \$40 млрд.
7. Canva (Австралия) – \$40 млрд.
8. Instacart (AQSH) – \$39 млрд.



Манба: CB Insights



Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 май куни тез тиббий ва шошилич ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига тез тиббий ва шошилич ёрдам хизматларини ривожлантириш бўйича ўзларининг ҳудудий дастурларини қабул қилиб, ижросини ташкил этиш вазифаси кўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 6 май куни электр техникаси саноатини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси уч йилда тармоқ учун 4 минг нафар олий ва 14 минг нафар ўрта маълумотли мутахассислар зарурлиги қайд этилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига электротехника бўйича ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш вазифаси кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май – Хотирлаш куни муносабати билан Ғалаба боғига ташриф буюрди. Ҳарбий оркестр ижросида “Хотирлаш куйи” янгради. Давлатимиз раҳбари “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

11 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда депутатлар ҳудудларда ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда кўп квартиралы уй-жойларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва уй-жой фондини янгилаш, соҳада коррупцияни йўқотиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев 11 май куни ғалачилиқдаги ислохотларнинг муҳим босқичига бағишланган йиғилиш ўтказди. Президент замонавий, илҳам, энергетика жамкор ун ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш, ғалла майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш, чекка ва олис қишлоқларга ун ва ун маҳсулотларини етказиб бериш бўйича транспорт харажатларини қоплаб бериш юзасидан кўрсатмалар берди.



УЗОҚ ТАРИХ ВА ЎЗИГА ХОС АНЪАНАЛАРГА ЭГА СОҲА

ТОШКЕНТДАГИ АКТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ФАНЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИБ ЎҚИТИШГА ИХТИСОСЛАШГАН МАКТАБДА 6 МАЙ КУНИ АЛОҚАЧИЛАРНИНГ КАСБ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.



Анъанавий тарзда нишонланаётган ушбу тадбирга бу йил бошқачароқ тайёрлик кўрилди.

Байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг идоравий мукофотларига сазовор бўлганлар пойтахтга таклиф қилинди. Улар учун алоҳида маданий дастур ташкил этилди. Меҳмон алоқачилар Ўзбек академик миллий драма театрида “Имон” спектаклини томоша қилишди. Улар учун Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан “Ғалаба боғи”га саёҳат уюштирилди.

Сўнгра меҳмонлар, соҳа корхоналари раҳбар ва мутахассислари АКТ мактабида йиғилишди. Тантанали маросимда АКТ вазири Шерзод Шерматов сўзга чиқиб, барча соҳа ходимларини касб байрамлари билан қизгин қутлади.

– Алоқа соҳаси жуда узоқ тарихга ва ўзига хос анъаналарга, шу билан бирга, жуда порлоқ келажакка эга соҳа. Бугунги тадбирни АКТ мактабида ўтказаятганимиз бежизга эмас. Малакали мутахассислар шу қаби мактабларда тайёрланади. Ўйлаймизки, кучли

кадрлар соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшадилар, – деди Шерзод Шерматов.

Шундан сўнг бир гуруҳ алоқачиларга АКТ вазирлигининг идоравий мукофотлари тантанали равишда топширилди. Хусусан, уларнинг тўрт нафари “Моҳир алоқачи” фахрий унвони, 40 нафари “Фахрий ёрлиқ” ва 29 нафари эса “Ўз касбининг устаси” белгиси билан тақдирланди.

– Икки кун Тошкент шаҳрида бўлдиқ, – дейди “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг Жиззах филиали бўлим бошлиғи Нигора Қосимова. – Биринчи кун маданий ҳордиқ олган бўлсак, иккинчи кун Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан “Ғалаба боғи”ни айландик. Алоқачилар куни байрами муносабати билан бир гуруҳ ҳамкасбларим қатори тақдирландим. Соҳа ривожланмоқда. Почта тизимига ҳам қатъа ўзгаришлар кириб келяпти. Чекка ҳудудлардаги почта бўлимлари ҳам қайта жиҳозланиб, замонавийлаштирилмоқда. Бундан жуда хурсандман.

Ўз навбатида, касб байрами арафасида бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ҳам бир пиёла чойга таклиф этилиб, алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Мустақиллик йилларида соҳада меҳнат қилган раҳбар ва ходимларнинг 283 нафари давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган. Уларнинг 22 нафари “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими” фахрий унвони, тўрт нафари “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси” фахрий унвони, 20 нафари “Меҳнат шухрати” ордени, икки нафари “Эл-юрт хурмати” ордени, тўрт нафари “Фидокорона хизматлари учун” ордени, 49 нафар “Дўстлик” ордени, 18 нафари “Содиқ хизматлари учун” медали, 5 нафари “Жасорат” медали, 151 нафари “Шухрат” медали, уч нафари “Келажак бунёдкори” медали, уч нафари “Зулфия” номидаги давлат мукофоти, икки нафари “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланган.

Соҳа ходимларидан 377 нафари “Моҳир алоқачи” унвони, 1370 нафари “Фахрий ёрлиқ”, 1220 нафари “Ўз касбининг устаси” белгиси билан тақдирланган. Жами 2967 алоқачи соҳанинг ана шундай идоравий мукофотларига сазовор бўлган.

Нурилла АБДУЛЛАЕВ

7-МАЙ алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг буйруғига кўра, мамлакатимиз алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг юқори даражада юксалиши ҳамда равнақи йўлида фаолият юритаётган, шунингдек, республикамиз иқтисодий ва соҳа равнақига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келаётган вазирлик тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкilot, муассасалари ҳамда мобил алоқа операторларининг раҳбар ходимлари, мутахассис ва ишчиларининг бир гуруҳи муносиб тақдирландилар.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ҚАМКАСБЛАР!

“МОҲИР АЛОҚАЧИ” фахрий унвони билан

“Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК Махсус ишлар бўлими бошлиғи Бахтияр Ташпулатович АБДУЛЛАЕВ, “Ўзбектелеком” АК “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиали директорининг биринчи ўринбосари Ғулом Ибрагимович РЎЗИМАТОВ, “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига қўмаклашиш маркази” ДМ директори Шоақбар Шарустамович ТАШПУЛАТОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Тошкент почтамати” филиали директорининг биринчи ўринбосари Ноила-Тарифовна ХУСЯЕНОВАлар;

“ФАХРИЙ ЁРЛИҚ” билан

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Сирдарё филиали Деҳқонobod почта алоқаси боғламаси “У.Носир” алоқа бўлими бошлиғи Валижон Муратович АБДУЛЛАЕВ, “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали тармоқ эксплуатацияси департаменти коммутация тармоғи эксплуатацияси хизмати бошлиғи Фаррух Фуркатович АБДУЛЛАЕВ, “Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази” ДУК Қашқадарё радиотелеузатиш маркази Кўксай радиотелевизион станцияси етакчи муҳандиси Урол Норматович АВАЗОВ, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти директорининг илм-фан бўйича ўринбосари Нилуфар Абдуллаевна АЗИМОВА, “Unitel” МЧЖ шарқий ҳудудий (Фарғона ш.) филиали директори Дилшод Азимович АНАРМЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Андижон вилояти ҳудудий инспекцияси телекоммуникация, мобил алоқа, телерадиозиттириш бўлими етакчи инспектори Қазимджон Комилджанович АХМАДАЛИЕВ, “Ўзбектелеком” АК “Бош коммутация маркази” филиали маълумотлар узатиш тармоғини бошқариш хизмати сервислар ядроси ва маълумотлар узатиш тармоғини бошқариш сектори олий тоифали муҳандиси Джахонгир Мирзакирович БАХРАМОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Телерадиозиттириш тизимлари” кафедраси катта ўқитувчиси Алишер Алиқулович БЕРДИЕВ, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК UZCERT департаменти бошлиғи Аъзам Анаварович ГАФУРОВ, Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳомилийни жалб этиш бўлими бошлиғи Зафар Равшанович ДАВЛАТОВ, “ALSKOM” сугурта компанияси акциядорлик жамияти юридик хизмати бошлиғи Зокрижон Курбанбаевич ДУСМЕТОВ, “Ўзбектелеком” АК юридик бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Тиловолович ЖУРАЕВ, “HUMANS” МЧЖ телекоммуникация инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш муҳандиси Артур Олегович ЗАХАРОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали Фарғона шаҳар почта

алоқаси боғламаси почта участкаси 1-тоифали назоратчиси Манзура Адхамовна ИБРАГИМОВА, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК киберхавфсизлик департаменти ахборот тизимлари киберхавфсизлиги бўлими бошлиғи Азизбек Равшонбек ўғли ИБРОҲИМОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Наманган филиали Чуст почта алоқаси боғламаси “Саримсоқтепа” алоқа бўлими бошлиғи Хусан Шарофович ИКРОМОВ, “Ўзбектелеком” АК “Харидларни бошқариш маркази” филиали директори Лазиз Саидиахмадович ИНАГАМОВ, “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор UZINFOSOM” МЧЖ Электрон ҳукумат тизимларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи Аббосхон Масумхон ўғли ИСОҚОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Андижон филиали Асака туманлараро почта алоқаси боғламаси “Ковунчи” алоқа бўлими бошлиғи Комилжон Аблярович КАРАБАШЕВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Жиззах филиали почта алоқасини ташкил этиш бўлими бошлиғи Нигора Набиевна ҚОСИМОВА, “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали Самарқанд ҳудудий боғламаси бошлиғи Ли Юрий, “Coscom” МЧЖ маълумотларни узатиш тармоғини эксплуатацияси қилиш бўлими бошлиғи Антон Александрович ЛИСОВОЙ, “Rubicon Wireless Communication” МЧЖ қўшма корхонаси бош ҳисобчиси Дмитрий Николаевич ЛОСКУТОВ, “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ АКТ лойиҳаларини жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Хожикабархон Махсумович МАХМУДОВ, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК экспертиза департаменти техник топшириқлар экспертизаси бўлими бошлиғи Максис Александрович МОРОЗОВ, “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали ахборот хавфсизлигини таъминлаш хизмати махсус бўлим бошлиғи Сайида Абдирахимовна НАБИЕВА, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК ишланмалар бўлими бошлиғи Мирахмад Муҳаммаджон ўғли РАВИЛОВ, “Ўзбектелеком” АК Жиззах филиали Жиззах шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси Фарход Норпулатович РАХМОНОВ, “Ўзбектелеком” АК Телекоммуникация тармоқларини эксплуатация қилиш бошқармаси бошлиғи Рустам Равшанович САБИРОВ, “UNIVERSAL MOBILE SYSTEMS” МЧЖ, техник блокнинг ахборот технологиялари департаменти директори Александр Борисович СТЕКЛЯНОВ, Тошкент шаҳридаги Амити университети кампус директори Сунил Кумар Катри, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Иброҳимжон Тоғалиевич ТОЖИБОЕВ, АТ “Алоқабанк” Фарғона ҳудудий комплекс хизматлар кўрсатиш маркази касса амалиётлари бўлими касса мудири Дилафруз Эминджановна ТУРДИМАТОВА, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлиги кадрлар бўлими етакчи мутахассиси Феруза Салоҳиддиновна ТУРСУНОВА, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали бюджетни режалаштириш бўлими бош мутахассиси Алишер Ахмедович УРАЗБАЕВ, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК Жиззах вилояти Электромагнит мослашув хизмати бошлиғи Дилшод Юсуфович УСМАНОВ, “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ резидентлар билан ишлаш бўйича директорининг биринчи ўринбосари Алишер Абдуазизович ХАФИЗОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Андижон филиали Андижон туманлараро почта алоқаси тармоғи 31-алоқа бўлими бошлиғи Иқболхон Тохирджановна ЮСУПОВА, “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали Урганч шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Жамоладин Фарходович ЯНГИБОЕВ, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК аттестация ва аудит бўлими бошлиғи Азиз Мама-ражабович ЯХШИЛИКОВлар;

“ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ” белгиси билан

“UzDigital TV” МЧЖ махсус техник ишлар бўлими бошлиғи Алишер Шерматович АБДУЛЛАЕВ, “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” ДМ рақамли ривожланишнинг узок муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи Фируза Абдумавляновна АБДУРАХИМОВА, “ALOCALOYUNA” ДУК смета бўлими бош мутахассиси Шерали Рустамали ўғли АБДУРАХИМОНОВ, “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали Шофиркон туман телекоммуникациялар боғламаси Станция иншоотлари гуруҳи 6-даражали электромонтёри Рамазон Изомович АДIZОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Тошкент почтамати” филиали Чилонзор туманлараро почта алоқаси боғламаси ишлаб чиқариш участкаси сараловчиси Анжелла Владимировна АЛИЕВА, “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК юридик бюро бошлиғи Зухра Юсуповна АЛИМОВА, “Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали Термиз шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 223-АТС электромонтёри Икром Ганибаевич БАБАЕВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Бухоро филиали Галаасиё почта алоқаси боғламаси почтамони Шуҳрат Подиевич БАЙМЕТОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Халқаро почта” филиали Хат-хабарларларга ишлов бериш цехи техниги Наталья Николаевна БАТИКОВА, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош бухгалтер Иғзал Исламовна ЕРГАШЕВА, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси мониторинг ва ресурсларни жамлаш бўлими бош мутахассиси Маъруфжон Шарифджанович ЗУПАРОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали ишлаб чиқариш

участкаси обуна гуруҳи бошлиғи Барно Азизовна ИСАЕВА, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Хурсан Хакимович ЙЎЛДОШЕВ, “BePro” дастурчилар маркази” МЧЖ дастурчиси Даниёр Қудратович КАХХАРХОДЖАЕВ, “Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДМ шартномалар ва моддий-техник таъминот бўлими бошлиғи Азимжон Хасанович КУРБАНОВ, Давлат фельдберггерлик хизмати Бухоро шаҳар бўлинмаси бошлиғи в.б. Нодир Хабибович ҚАХАРОВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бухгалтерия бўлими бош мутахассиси Наимжон Абдумута-либоевич ҚОДИРОВ, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси техник ҳисоб ва паспортлаштириш гуруҳи олий тоифали муҳандиси Рўзижон Исраилович НАЗАРОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Электроника ва радиотехника” кафедраси катта ўқитувчиси Озода Хасьловна НУШТАЕВА, “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали Навоий шаҳар телекоммуникациялар боғламаси линия-кабел хўжалиги кабелчи-пайвандловчиси Анвар Сайфуллаевич ОБИДОВ, “Xabar.uz” ахборот-таҳлилий сайти жамияти бўлими муҳаррири Улугбек Одил ўғли ОРИПОВ, “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали Самарқанд шаҳар телекоммуникациялар боғламаси станция иншоотлари гуруҳи кросс 6-даражали электромонтёри Шоҳида Махмудовна РАҲМАТОВА, “Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази” ДУК Тошкент радиотелеузатиш маркази антенна-фидер тизимлари цехи етакчи муҳандиси Жамшид Шуҳратович ТОЛИПОВ, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Нукус шаҳар телекоммуникациялар боғламаси жорий таъмирлаш ва авария ҳолатини қайта тиклаш ишлари бригадаси электромонтёри Жанабай Балимбетович ТУРМАМБЕТОВ, “UNICON.UZ” Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” ДУК иқтисодиёт ва режалаштириш илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Музаффар Хасанович УМАРОВ, АТ “Алоқабанк” Хоразм ҳудудий комплекс хизматлар кўрсатиш маркази “Беруний” комплекс хизматлар кўрсатиш маркази директори Азамат Зерибоевич ФАЙЗУЛЛАЕВ, “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ реклама ва жамоатчилик билан алоқалар бўлим бошлиғи Жамила Аҳмад қизи ХАЛИБАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи Саодат Эркиновна ХОДЖАЕВА, “Электромангнит мослашув маркази” ДУК Навоий вилояти Электромагнит мослашув хизмати 2-тоифали муҳандиси Екатерина Николаевна ЦЕГЕЛЬНЮКлар тақдир-ланиши.

Plug and Play техник маркази

Ўзбекистон стартап экотизимлари учун улкан воқеа

Plug and Play платформа-си жорий йил якунига қадар Тошкентда ўз офисини очмоқчи. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, IT-Park Uzbekistan ҳамда AloqVentures билан кечган учрашувлардан сўнг Plug and Play Ўзбекистон пойтахтида ўз ваколатхонасини ишга тушириши ҳақида расман эълон қилди. Дастур доирасидаги ҳамкорликнинг дастлабки босқичи молиявий технологиялар, суғурта ва корпоратив технологиялар ҳамда таълим йўналишларини қамраб олади.

Саид АМИДИ,
Plug and Play Tech Center асосчиси ва бош ижрочи директори:

– Минтақадаги энг ёш ва жадал ривожланаётган экотизимлардан бири сифатида Plug and Play Ўзбекистоннинг маҳаллий корпоратив экотизимига ахборот технологиялари ва инновация соҳасида энг юқори халқаро стандартларга эришишда ёрдам беришни мақсад қилган. Шу билан бирга, дастур дунёнинг етакчи стратегик бозорларида ўзига хос майдон тақдим этиш орқали маҳаллий истеъдодлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлайди.

Офис маҳаллий корпорациялар ва агентликлар учун стартаплар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш учун кўпроқ имкониятлар яратишга, қолаверса, минтақадаги стартап экотизимини жадаллаштиришга хизмат қилади. Plug and Play билан ҳамкорлик, шунингдек, стартапларга халқаро бозорга чиқишга ёрдам беради, негаки улар бутун дунё бўйлаб 40дан ортиқ ваколатхоналардан иборат глобал тармоққа қўшилиш имкониятига эга бўладилар.



Фарҳод ИБРАГИМОВ,
IT-Park Uzbekistan директори:

– Plug and Play техник марказининг ташкил этилиши Ўзбекистон стартап экотизимлари учун улкан воқеадир. Бизнинг маҳаллий стартапчиларимиз Plug and Play ваколатхоналари жойлашган 35 мамлакатда ўз лойиҳаларини намойиш этиш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, бу ўзбекистонлик стартап тадбиркорларга халқаро бозорда сифат ва рақобатбардошликни оширишга кўмак берибгина қолмай, бизни мамлакатимиздан илк “яккашоҳ” яратиш йўлида жипслаштиради ва экотизим ҳамкорларимиз (венчур фондлари, бизнес фаришталари (business angels) ўз фаолиятларини кенгайтиришлари учун янги имкониятлар эшигини очади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 2 майида IT-Парк директори Фарҳод Ибрагимов Германиянинг

Штутгарт шаҳридаги Plug and Play офисларидан бирига ташриф буюриб, у ерда Plug and Play ЕМЕА ҳамраҳбари Сина Амиди, компаниянинг Германиядаги бошқарувчи директори Саша Кариммур ҳамда Штутгартдаги корпоратив ҳамкорлик бўйича менежер Феликс Ламмерс билан учрашган эди. Учрашувда томонлар янги платформа очиш масаласини муҳокама қилишди. Тез орада режалар тасдиқланиб, якунига етказилди ва эндиликда Plug and Play компанияси Тошкентда расман ўз ваколатхонасини очмоқда.

Plug and Play истиқболли корпорациялар, давлат идоралари, университетлар, шунингдек, венчур капиталистлари ва стартаплар билан ҳамкорлик қилишга интилади. Plug and Play офисининг очилиши ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган Ўзбекистоннинг инновацион стратегияси дастурида муҳим босқич саналади, шунингдек, глобал платформа тармоғида унинг яна бир аъзоси пайдо бўлишига хизмат қилади.

Plug and Play ҳақида

Plug and Play – стартаплар, корпорациялар, венчур капитал фирмалари, университет ва давлат идораларини бирлаштирувчи етакчи инновацион платформа. Компания беш қитъада 40дан ортиқ манзилларда фаолият юритади, бош офиси эса Силикон водийсида жойлашган. Корпоратив инновацион дастурларни таклиф қилган ҳолда корпоратив ҳамкорларига инновацион йўналишларининг ҳар бир босқичида, таълимдан тортиб то амалда татбиқ этишгача кўмак кўрсатади. Шунингдек, стартап-акселераторларини ишга тушириш баробарида турли соҳаларга инновацияларни жорий этиш мақсадида ўз венчур фондини ташкил қилган. Натияжада Dropbox, Guardant Health, Honey, Lending Club, N26, PayPal ва Rappi каби юзлаб муваффақиятли компанияларга сармоа киритишга муваффақ бўлган.

Ташриф

Ўқувчиларга IT-марказларга БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛДИ



Кеча, 12 май кuni Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Фарғона вилоятига ташрифи давомида Фарғона имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактабида бўлди.

АКТ вазири бу ерда ахборот технологиялари фанларини ўқитиш жараёни ва моддий техник таъминоти билан танишди. Мазкур касб-ҳунар мактабининг “Рақамли технологиялар” кафедрасида таҳсил олувчи иқтидорли ўқувчилар билан суҳбатлашиб, ахборот технологиялари соҳасида бажараётган амалий дастурий ишлари бўйича фикр алмашди.

АКТ вазири битирувчи ёшларни келажакдаги соҳалари бўйича аввало жамиятимиз учун керакли мутахассис бўлишлари ҳамда моддий жиҳатдан ўзларини таъминлай олишлари зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, билим салоҳиятларини янада ошириш ва амалий кўникмаларни ривожлантириш мақсадида ўқувчиларга Фарғона вилоят IT-марказларида бепул таълим олишлари учун сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Замонавий хизматлар

Чирчиқда
ВРО маркази
ташкил этилади

Тошкент вилоятида Ма-софавий хизматлар экспорти маркази (ВРО) хизмати фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Америка Қўшма Штатлари транспорт логистикасини юритувчи GL TECH DIVERSITY МЧЖ компанияси билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Яқинда АКТ вазирлиги ва IT-Парк мутасаддилари GL TECH DIVERSITY МЧЖ вакиллари билан учрашиб, уларга ВРО хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш учун Чирчиқ шаҳридан замон талабларига мос бинолар таклиф қилинди.



ПРИЕЗЖАЙТЕ, РАБОТЫ ХВАТИТ ВСЕМ!

Об информационной безопасности, обеспокоенности студентов местных вузов, стереотипах релокантов и многом другом рассказал "Xabar" заместитель директора IT-Парка Баходир Аюпов.

- Что входит в основные обязанности IT-Парка?

- Одна из самых основных задач IT-Парка заключается в стимулировании развития сферы IT, которые включают в себя создание необходимых условий для IT-компаний, куда также входят льготы в виде освобождения от налогов и таможенных пошлин при ввозе оборудования для собственного использования, в продвижении их услуг как в Узбекистане так и за его пределами и т.д. Очень большой перечень услуг, который включает в себя спектр поддержки IT-Парк своим резидентам.

- В последнее время всё больше айтишников релоцируются в Узбекистан, какие принимаются меры со стороны IT-Парка для обеспечения информационной безопасности?

- Волна зарубежных гостей, которые едут в Узбекистан - в основном это сотрудники наших существующих резидентов, отдельные IT-специалисты тоже есть, но они составляют не более 5% по программе релокации. По своей программе мы работаем в основном с компаниями, которые просят оказать содействие в релокации их офисов из других стран в Узбекистан. Мы не вмешиваемся во внутренние дела наших резидентов. Об их проделанной работе мы узнаем из предоставленного бизнес-плана и аудиторских отчетов. Этот вопрос, конечно, касается не только наших резидентов, но и людей которые живут или пребывают в нашей стране. За неправомерные действия, все будут отвечать перед законом Республики Узбекистан. В свою очередь компании, с которыми мы сотрудничаем, заинтересованы в том, чтобы никаких неправомерных действий не происходило в рамках их деятельности, так как речь идет об их репутации.

- Заключается ли договор о неразглашении конфиденциальной информации между IT-Парком и резидентами?

- Между IT-Парком и резидентами нету никаких соглашений о неразглашении, это было бы даже неуместно, так как при нашей работе с резидентами нету ничего конфиденциального, что не должно вытекать, по крайней

мере, с нашей стороны. Мы несём ответственность за утечку их финансовой информации - с этим проблем у нас никогда не возникало, так как данный вопрос для нас является приоритетным.

- Бытует мнение, что в последнее время студенты местных вузов обеспокоены пребыванием зарубежных IT-специалистов в Узбекистане, из-за возможной нехватки рабочих мест для местных айтишников. Обосновано ли их упадническое настроение?

- Это естественный вопрос, который исходит от студента, не вступившего в рынок IT. Если бы он вступил, то он не задавался бы подобными вопросами, осознавая насколько это неуместный вопрос касательно этой сферы. Весь мир ощущает острую нехватку к хорошим IT-специалистам и это продолжится как минимум 30-35 лет. Между IT-компаниями происходит серьезная борьба за кадры. Если студенты, продолжат своё обучение, выбрав конкретное направление и при этом станут средним специалистом, то я могу с уверенностью гарантировать - без работы они не останутся. В основном к нам в страну приезжают IT-специалисты высокого уровня, которые работают по международным стандартам. Они в свою очередь, будут способствовать повышению квалификации местных айтишников, за счёт расширения своей деятельности и привлечения в нее последних. В Узбекистане очень много ниш и направлений, которыми могут заняться IT-компаниями.

- Какие на ваш взгляд IT-специалисты и каких направлений, наиболее востребованы в Узбекистане?

- На мой взгляд, какое бы направление не выбрал IT-специалист, и если он в нём хорош - на него всегда будет большой спрос. Рынок труда испытывает большой дефицит с менеджерами проектов. Поскольку управленцы, способные разговаривать с заказчиками, а также переводить потребности заказчиков на технический уровень, руководить проектами, иметь хорошие коммуникативные навыки и т.д. - вот таких специалистов, к со-

жалению, очень мало не только в Узбекистане, но и за его пределами.

- По каким критериям IT-Парком отбираются зарубежные IT-компании и IT-специалисты?

- Мы не отбираем, а принимаем заявки. Мы создаём условия в Узбекистане, которые способны привлечь IT-компаниями. Но другой вопрос, смогут ли они стать нашими резидентами. Есть определённые критерии при выборе резидентов. Например, это должна быть действительная IT-компания, которая занимается разработкой различных информационных систем, программного обеспечения и т.д. Если компания занимается продажами компьютеров, то она не попадает под требования IT-Парка. Помимо этого мы обращаем внимание на источник дохода. Если речь идёт об онлайн-магазине, доход которой формируется исходя из комиссий за каждый проданный товар, то она также не сможет стать нашим резидентом. Другое дело, когда компания занимается разработкой платформ для онлайн-магазинов и получает за использование своих платформ деньги - вот такая компания сможет стать нашим резидентом. Существуют 18 видов деятельности, которыми должна заниматься компания заявитель, чтобы стать нашим резидентом.

- Располагают ли прибывшие релоканты стереотипами и предвзвешенными суждениями, которые не соответствуют действительности?

- Да, располагают. Очень часто я встречаю людей, которые думают что Узбекистан это пустынная зона, где люди катаются на осликах т.д. У многих создаётся неправильное мнение о том, что если мы находимся рядом с Афганистаном, то у нас имеются большие проблемы с безопасностью. Но на самом деле, Узбекистан признан научно-исследовательскими журналами как самая безопасная страна на территории стран СНГ. И только люди, которые приезжают в Узбекистан ломают здесь свои стереотипы.

Беседовала
Паризод РАХИМОВА

В ТУИТ ОТКРЫЛСЯ НОВЫЙ ИНКУБАЦИОННЫЙ ЦЕНТР

6 мая в Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хорезми состоялась церемония открытия «TUIT INCUBATION CENTER».

В ней принял участие министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов.

Центр в первую очередь отслеживает, отбирает и инкубирует передовые стартап-идеи и инновации. Он также отвечает за формирование молодежных стартап-команд, выявление молодежных инициатив в сфере инноваций для подготовки к проектной деятельности, поддержку сообществ, помощь студентам, докторантам и молодым ученым в развитии исследований и инноваций.

Инкубационный центр оснащен современными классными комнатами, компьютерами и оборудованием ИКТ. Для учебы и исследований студентов созданы все необходимые условия.

В дальнейшем центр планирует оказывать консультационные услуги, в том числе контрактные исследования по всем направлениям цифровой экономики, педагогической психологии, физики, астрономии и образования, участвовать в международных грантах, конкурсах исследовательских проектов и конференциях.

В ходе визита министр ИКТ провел встречу со студентами, обучающимися в университете. Также были обсуждены все вопросы, интересующие молодежь. Молодые люди высказали свои мнения и предложения.

ДЛЯ УЗБЕКИСТАНЦЕВ, ЕДУЩИХ РАБОТАТЬ В ЕС, ЗАПУСТЯТ САЙТ И ПРИЛОЖЕНИЕ

Агентство по внешней трудовой миграции и латвийская компания UberHint заключили меморандум о сотрудничестве, пишет пресс-служба агентства.

По условиям соглашения, компания будет оказывать гражданам Узбекистана юридическую помощь при оформлении документов для выезда в Латвию. В частности, она будет взаимодействовать с латвийским посольством и миграционной службой.

Также UberHint создаст специальный сайт и мобильное приложение для узбекистанцев, направляющихся в страны Евросоюза. На нём будет доступна вся информация о получении трудовых виз и видов на жительство в ЕС.

Кроме этого, компания окажет поддержку мигрантам из Узбекистана, у которых истёк срок визы и вида на жительство.

МИНФИН ПРОТЕСТИРУЕТ МОБИЛЬНЫЕ ПРИЛОЖЕНИЯ ДЛЯ ОНЛАЙН-ТРЕЙДИНГА

С 10 мая в тестовом режиме заработали мобильные приложения для онлайн-торговли на фондовом рынке. Об этом сообщила пресс-служба Минфина.

Через них пользователи смогут получать данные с биржи, а также напрямую заниматься куплей-продажей ценных бумаг. Сервисы будут интегрированы в комплекс Информационно-ресурсного центра фондового рынка.

Испытания продлятся 3 месяца. Инвестиционные посредники в это время должны предоставлять министерству информацию о работе приложений, а также о возможных проблемах с ними.

Минфин ожидает, что за это время будет одобрен подготовленный им законопроект о развитии фондового рынка. Он разрешит дистанционное открытие депозитов для клиентов — как резидентов, так и нерезидентов Узбекистана.



ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ИЛОН МАСКНИ СУДГА БЕРДИ

Американинг Орlando шахри (Флорида штати) полицияси пенсия жамғармаси дунёнинг энг бой киши Илон Маскни судга берди. The Guardian ёзишича, Маскнинг Twitterни сотиб олиш нияти уларга маъкул эмас.

Гап шундаки, ушбу жамғарма ҳам Twitter акциядорлари қаторида бор. Жамғарма вакиллари Делавэр штати судига киритган даввода кўрсатилишича, штат қонунларига кўра, акцияларнинг учдан икки қисмининг эгалари битимни илгарироқ маъқулламаган тақдирда, Маск компанияни камида 2025 йилгача ўзиники қила олмади.

Учдан икки қисм акцияларнинг эгалари, жумладан, Morgan Stanley молиявий конгломерати (8,8 фоиз) ва ижтимоий тармоқ асосчиси Жек Дорси (2,4 фоиз) битимни муддатидан аввал тасдиқлашга рози бўлишса, Маскнинг юмуши енгиллашиши мумкиндек, аммо...

Қонунга кўра, битим кечикиши мумкин, негаки Маскда Twitterнинг 9 фоиздан кўпроқ (9,2 фоиз) акцияси

мавжуд, юридик жиҳатдан у “ман-фаатдор акциядор”. Даввогарлар Маскнинг ана шу нозик жойидан ушлади.

Twitter орландолик пенсионерларнинг судга арзи борасида муносабат билдирганича йўқ.

ҲИНДЛАР ЗУҲРОНИ ЗАБТ ЭТИШМОҚЧИ

Ҳиндистон Венера (Зухро)га сайёраларо автомат станциясини учуришга тайёрланаётгани ҳақида Ҳиндистон фазовий тадқиқотлар ташкилоти раҳбари Шридхар Паникер Сомнатҳ баёнот берди.



Фазовий миссияга 2024 йилнинг декабрида старт берилиши режалаштирилган.

Агарда режа белгиланган муддатидан кечикса, миссия 2031 йилга қолдирилади. Ҳаммаси кўнгилдагидек кечиб, 2024 йил декабрида ракетага старт берилса, станция 2025 йилда Зухро орбитасига етиб боради.

Ҳинд олимларининг мақсади Қуёш шамоллари ва Венера ионосферасининг ўзаро таъсирларини ўрганишдир.

“Ҳиндистон Зухро миссиясига

ҳозирлик ва стартни жуда қисқа муддатда бажариши мумкин, чунки бунинг учун етарлича салоҳиятга эга”, – таъкидлади Сомнатҳ.

HONOR АЙФОННИ ЭСЛАТУВЧИ СМАРТФОННИ ТАҚДИМ ЭТДИ

10 май куни Хитойда Honor Play 30 смартфонни тақдим этилди — Snapdragon 480+ 5G процессори, катта аккумуляторга эга ва кўринишидан iPhone 13га жуда ўхшаш...

Смартфоннинг 6,5-дюймли суюқ-кристалл дисплейи (720p) 5 МП селфи-камера учун томчисимон кесимга эга. Орт панели дизайни, айниқса, камералар блоки янги Apple телефонлариникини эслатади. Бироқ бу блокда атиги биттагина 13 мегапикселли камера ва ёруелик дидоли чақин жойлаштирилган, холос.

Оператив хотираси — 4/8 ГБ, ички хотираси — 128 ГБ, microSD слоти хотираси 512 гигабайтгача кенгайтириш имконини беради. Аккумулятори сиғими — 5000 мАс, бироқ фақат 10 Вт қувватлаш технологиясида ишлайди.

Нархи ҳозирча номаълум, айфонга фақат кўриниши ўхшовчи смартфон қиммат бўлмаса керак.

НООДАТИЙ НОУТБУК

Asus компанияси ZenBook Pro 16X OLED – ноодатий клавиатура ва манипулятор, OLED экран ва 4та микрофонга эга ноутбугини тақдим этди.



Бу ноутбук оддий фойдаланувчилардан кўра профессионал мутахассисларга ва геймерларга кўпроқ мос келади. Масалан, видео ва фото контент яратадиган дастурчилар учун айни муддао.

Ноутбук айниқса, клавиатура блоки билан ажралиб туради. У биров кўтарилиш хусусиятига эга. Бу эса ишлашга қулай ва қизиган ноутбукни салқинлатиб туришга хизмат қилади.

GOOGLE ЭНДИ ТАРЖИМА МАТНЛАРИНИ САҚЛАБ ҚЎЯДИ

Google-таржимона иловаси фойдаланувчи буюртма берган таржима матнларини сақлаб қўйишни бошлади. Яъни сервисга таржима тарихини эслаб қолиш функцияси киритилди.

Бундан буён фойдаланувчи таржима қилинган матнларни хронологик тартибда кўриб бориш имкониятига эга. Алоҳида таржималар танланган рўйхатда туради. Тарихда сақланган матнлар “Менинг фаолиятим” бўлими орқали бошқаради.

Таржималари сақланишини хоҳламаган фойдаланувчи бу хизматни рад этиши мумкин.



Халқаро ҳаёт



“КАТТА ЕТТИЛИК” РОССИЯГА ҚАРШИ ҚЎШМА БАЁНОТНИ ИМЗОЛАДИ

8 май куни бўлиб ўтган G7 етакчиларининг онлайн саммити Украина ва Россияга бағишланди. Якунда G7 етакчиларининг қўшма баёноти эълон қилинди.

Унга кўра, “Катта еттилик” давлатлари Украинага ҳарбий ёрдам бериш ва ахборот хавфсизлиги масалаларида кўмаклашишда давом этади. Шунингдек, яқин келажакда қисқа муддатли молиявий ёрдам кўпади.

“Катта еттилик” етакчилари Россия Федерациясининг ҳаракатларини Украина суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини бузиш деб атади ва келгусида ҳам турли санкцияларни жорий этишда давом этишини билдирди.

УКРАИНАЛИК ҚОЧҚИНЛАР СОНИ 6 МИЛЛИОНГА ЯҚИНЛАШДИ

24 февралдан бери Украинанинг қўшни мамлакатлар билан чегараларини 5 801 159 нафар қочқин кесиб ўтди. Бу ҳақда БМТнинг Қочқинлар масалалари бўйича олий комиссари бошқармаси маълумот берди.

Қочқинларнинг ярмидан кўпи – 3 167 805 киши Полшада паноҳ топган.

Украиналик қочқинлар йўл олган мамлакатлар: Полша – 3 167 805, Руминия – 857 846, Россия – 739 418, Венгрия – 557 001, Молдова – 453 848, Словакия – 391 592, Беларус – 26 278.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

10 май куни Корея Республикасининг янги президенти Юн Сок Ёл фаолият бошлади.

Юн Сок Ёл – 1960 йилнинг 18 декабрида Сеулда ўқитувчилар оиласида туғилган. Сеул университетининг ҳуқуқ йўналишида бакалавр ва магистр даражаларини қўлга киритган. Узоқ йиллар прокуратура органларида ишлаган. Жуда йирик ишларга, хусусан, Миллий разведка хизматининг жамоатчилик фикрига таъсири бўйича терговга, икки собиқ президент – Ли Мён Бак (17 йилга қамалган) ва Пак Кин Хе (25 йилга қамалган) коррупцияда айбланган ишларга бевосита раҳбарлик қилган.

2019 йилда мамлакат бош прокурорлигига тайинланган, 2021 йилнинг март ойида Корея Республикаси президентлиги учун сайловда қатнашиш учун лавозимидан истеъфога чиққан. Юн Сок Ёл 2022 йилнинг 9 март куни бўлиб ўтган президентлик сайловида 48,56 фоиз овоз билан голибликни қўлга киритганди.

ИСПАНИЯ РАЗВЕДКАСИНИНГ ИЛК АЁЛ РАҲБАРИ КЎП ИШЛАМАДИ

Испания миллий разведка марказининг раҳбари Пас Эстебан лавозимидан олинди.




“Секста” телеканали хабарига кўра, Испания оммавий ахборот воситалари Каталония мустақиллигининг бодан ортиқ таниқли тарафдорлари, хусусан, Каталония генералитети президенти Пере Арагонес Pegasus жосуслик

дастури орқали кузатилгани тўғрисида ёзган. Қолаверса, Pegasus воситасида Испания бош вазири Педро Санчес ҳамда мудофаа вазири Маргарита Роблесни кузатишга уринишган.

2020 йилдан бери миллий разведкани бошқараётган Пас Эстебан ушбу лавозимга тайинланган илк аёл киши эди.

ДУНЁДАГИ БИРИНЧИ ИНСУЛИН ТАБЛЕТКАЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Америкалик олимлар биринчи инсулин таблеткаларини яратишди. Дори барча синовлардан муваффақиятли ўтса, диабетга чалинганлар керакли гормонларни ҳапдорлар воситасида қабул қилишлари мумкин бўлади.



Маълумотларга кўра, жаҳонда 340 миллионга яқин киши диабетдан азият чекмоқда. Уларнинг қарийб ярми кунига бир нечтагача инсулин билан эмланишга мажбур.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, инсулин шундоқ олиб ичиб юбориладиган дори эмас, бу тарзда модданинг қонга тушиши қийин. Қолаверса, ўта кучли гормон бўлгани боис дозани ошириб юбориш ҳаёт учун хавфли. Шунинг учун ҳам таблетка кўринишидаги дориларни ишлаб чиқариш масаласи пайдо бўлган.

Узоқ уринишлардан сўнг америкалик олимлар ишлаб чиққан инсулин таблеткалари ошқозон суюқлиги таъсирида ҳам доривор хусусиятини йўқотмайди. Бу доридоғи инсулин молекулалари қонга кераклича дозада сўрилади.

Янги дори ҳозирда ҳайвонларда синаляпти. Тадқиқотчилар яқин йилларда инсулин таблеткалари дорихоналардаги одатий дорилар қаторидан жой олишига катта умид билдиришяпти.

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРАСИ УНДАН-ДА АЗИЗ



XXI аср – ахборот технологиялари асри ҳозирги ва келгуси авлод олдига янада муҳим вазифаларни қўймоқда. АКТ йўналишидаги бекиёс имконият ва истиқболли режа-вазифалар соҳа ходимларининг ҳам давр талаблари даражасида фаолият олиб боришларини тақозо этяпти. Усиб келаётган ёш авлод онгу шуурида янгича замонавий дунёқарашни шакллантириш, уларнинг ҳар жиҳатдан салоҳиятли инсонлар бўлиб камол топишларида соҳада рўй бераётган туб ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этяпти шубҳасиз.

Ўтмишсиз келажак йўқ деганларидек, мамлакатимиз, шу жумладан, Бухоро вилояти алоқа тизими ва унинг бундан анча йиллар олдинги фидойилари фаолиятига бир нигоҳ ташлаш бугунги авлод, айниқса, соҳанинг ёш вакиллари учун фойдадан ҳоли бўлмас. Қолаверса, вилоят алоқа соҳасининг, таъбир жоиз бўлса, таъзаминини яратиб бериш ва мустақамлашга муносиб ҳисса қўшган азиз устозу ҳамкасбларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари ва тинимсиз меҳнат фаолиятлари чинакамга ҳаёт мактаби эканлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Мозийга маълум муддат сайр қилмай туриб эса яқин ва олис келажакни англаб етиш ва тўлиқ ҳис этиш даргумон экан, кутлуг сана – Хотира ва кадрлаш кунини ўтганлар хотирасини яна бир марта ёд этиш, улар олдида таъзим бажо айлаш ҳам қарз, ҳам фарзидир. Зеро, ўтмишдаги соҳа фидойиларининг заҳматли меҳнати бугунги кундаги юқсак таваққур ва мислсиз ўзгаришлар учун ўзига хос дебеча вазифасини ўтаганига амин бўласиз.

Шу ўринда бугун Бухоро вилояти алоқа соҳасининг ўтмишдаги айрим фидойилари ҳақида бироз бўлса-да сўз юритишни лозим топдик.

Исм-шарифи ва ўчмас хотираси чуқур ҳурмат билан ёдга олинадиган ана шундай табарруқ зотлардан бири ўз даврида ҳамкасблари-ю ҳамюртлари ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган Жаҳон Турдиевдир. Ёшдудон туманининг олис Сармижон қишлоғидаги умумтаълим мактабларидан бирини муваффақиятли битирган, ёш қалби бир дунё орзуларга лиммо-лим йигит ўзининг илк меҳнат фаолиятини Вобкент тумани алоқа бўлимида радиомониторликдан бошлаган. 1965 йилгача эса ушбу алоқа бўлимини бошқарган.

Жаҳон Турдиев қаерда ва ким бўлиб ишлаганидан қатъи назар, ҳалолиги ва софдиллиги, бошқаларнинг ҳам-ташвишини ўзиники деб билиши билан ажралиб турарди. Айнан ана шундай инсоний фазилатлари ва ташкилотчилик қобилияти билан ўзи бошчилик қилган меҳнат жамоасини ортидан эргаштира оларди. У ўз шахсий манфаатини жамоа манфаатидан устун қўйгани йўқ ва қўя олмасди ҳам. Зотан, у туғилиб ўсган оилада ҳам, қолаверса, билим ва

тарбия олган умумтаълим мактабида ҳам олижаноб инсоний фазилатлар барча тенгқурлари қатори ўсмир йигитнинг онгу шуурига сингдирилган эди. Шу боис меҳнатсеварлик ва одамийлик унинг бутун онгли ҳаётини ёруғ бир маёқдек нурафшон этди ва ҳолисона беади. Бу эса, ўз навбатида, соҳадаги мавжуд кийинчилик ва муаммоларни ўз вақтида ва ҳеч иккиланмай ижобий ҳал этиш имконини берди. Мустақкам эътиқод, касби-га садоқат, ташаббускорлик ва қатъиятлик энг қийин вазиятларда ҳам туман алоқа соҳасида белгиланган режа-топширларнинг ўз вақтида уддалашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Қаҳрамонимиз маълум муддат Сармижон алоқа бўлимида ишлагач, соҳа раҳбарлари бу етук мутахассисни Кармана тумани алоқа бўлимига, сўнг Бухоро туманининг Галаосиё алоқа бўлимига бошлиқ этиб тайинлашди. 1988 йилдан 2000 йилгача эса у Ёшдудон тумани электр алоқа боғламасига бошчилик қилган. Хуллас, эл-юрт ишончини оқлашдек олий мезон Жаҳон Турдиев ҳаёт йўли ва меҳнат фаолиятини белгилаб бергани боис, у ҳақон устоз ўғитлари-ю насихатлари содиқ кўплаб шогирдлари ва ҳамкасблари қалбида, эл-юрт ишига камарбаста фарзандлари ҳамда неваралар-чеваралари ҳаёти бардавомлигида яна узоқ йиллар яшайверади.

Бухоролик алоқа тизими мутасаддилари ва ходимлари хотирасида соҳанинг яна бир фидойиси раҳматли Толиб Ҳакимовнинг унутилмас номи ва бажарган ишлари сақланиб қолган. Негаки, бу фидойий инсон ҳам ўз ҳаётини алоқа соҳаси ривожига бағишлаган ҳамюртларимиздан бири эди.

Ромитан туманида туғилиб ўсган Т.Ҳакимов Тошкент алоқа политехникумида таҳсил олган. Бухоро шаҳар телефон алоқаси корхонасида муҳандис, вилоят линия-техника боғламасида тажрибали мутахассис сифатида фаолият кўрсатган. Роппа-роса 20 йил давомида вилоятдаги ҳалқаро телефон станциясини бошқарган. Ўн йилдан кўпроқ вақт давомида вилоят алоқа бошқармаси (ҳозирги “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали)да

етақли муҳандис ва филиал хўжалик бўлими бошлиғи вазифасида ҳалол-покиза меҳнат қилган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Т.Ҳакимовни ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрига малака ошириш курсларига юборишди. У ўз хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда 1987 йилда Москва шаҳрида техника хавфсизлиги масалаларига бағишлаб ўтказилган йирик бир анжуманда ҳам иштирок этган эди. Кейинчалик эса Т.Ҳакимов (1990 йилларнинг бошларида) етакчилигида бухоролик бир гуруҳ алоқа соҳаси ходимлари Тошкентда техника хавфсизлиги бўйича бўлиб ўтган танловда иштирок этиб, совринли ўринлардан бирини қўлга киритишди.

Толиб Ҳакимов истиқлолимизнинг илк йиллари нашъу намосидан баҳраманд бўлган, мустаққиллигимизнинг дастлабки палласи қувонч-ташвишларини ўз ёру дўстлари даврасида баҳам қўрган, умрининг охиригача кекса қалби шукроналик ва ғайрат-шижоатга тўла, кези келганда, ўз меҳр-муҳаббати-ю мурувватини яқин кишилари ва дўстларидан дариг тутмайдиган жаннатини инсон эди. Унинг ҳаёти ва фаолиятига оид эсдалик суратлар албомини кўздан кечирган киши бу тиним билмас инсоннинг бутун онгли ҳаёти бесамар кечмаганига амин бўлади.

Бу йилги Хотира ва кадрлаш кунини муносабати билан, барча ерда бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам ўтганлар руҳини шод этиш, ҳаёт бўлганларни эъзозлаш ва кадрга етишга бағишлаб турли корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида тадбирлар ўтказилди. Жумладан, вилоят алоқа тизимида санага бағишлаб ташкил этилган тадбирларда алоқа соҳаси ривожига турли йилларда салмоқли ҳисса қўшган табарруқ инсонлар – Александр Яровой, Ҳаким Абдурахмонов, Исрофил Чекидзе, Абдуназар Давронов, Иван Саввинов ва бошқалар чуқур ҳурмат билан ёдга олинди, азиз хотиралар қайта жонланиб, ўтмиш ва бугунги кун муштараклиги ўзи исботини топди. Шунинг ўзи бугунги ва кейинги авлодлар учун одамийликнинг олий мезонидир.

Аскар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири



Фотохабар

Жўра бобо хонадонида

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали мутасаддилари ва Чироқчи почта алоқаси бўлими ходимлари 9 май – Хотира ва кадрлаш кунини муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, почта алоқа соҳаси фахрийси – 98 ёшли Жўра бобо Ёдгоровнинг хонадонига ташриф буюриб, отахонга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди, совға-саломлар билан хушнуд этишди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Xabar”нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири



Улуғ кунлар ҳикмати

Касб байрами муносабати билан соҳанинг юқори даражада ривожланиши ва равақ топишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаятган “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиалининг ўттиз нафар ходими филиалнинг Фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Фахрий ёрлиқларни топширишга бағишланган йиғилишда филиал директори Владимир Ежков қўлга киритилаётган ютуқлар ва зиммада турган вазифаларга ҳам қисқача тўхталар экан, яхши ишляпмиз, аммо энди икки ҳисса кўпроқ ғайрат кўрсатиб ишлайлик. Ватан ва халқ биздан шунини кутмоқда, деди.

Йиғилишда Фарғона шаҳар ТБ техник ҳисоб ва паспортлаштириш гуруҳи олий тоифали муҳандиси Рўзиқожи Назаровнинг “Ўз касбининг устаси” белгиси билан мукофотлангани зўр мамнуният билан таъкидланди ва хушхабар олқишлар билан қутиб олинди.

Шунингдек, филиал мутасаддилари Хотира ва кадрлаш кунини муносабати билан 25 нафар эҳтиёжманд ходимлар ҳамда 25 нафар фахрийни йўқлашди.

– Ҳар йили келиб, кўнглимни обод этасизлар, – дея узоқ дуо қилди Клара Исаева. – Дилим равшанлашиб, кунларим нурларга тўлиб, Яратганга шукроналик келтираман. Илоҳим, обрў-мартабан-гизни худойим бундан ҳам банд қилсин...

Ташаккурлар, раҳматлар, дуолар... Аслида касб байрамининг бутун файзу баракаси ҳам шунда – инсоний бурчни ўз вақтида ва бехато адо этишда.

Ҳ.САЛЯҲОВА

ЭЪЛОН!

Йўлдашев Муслимбек Усмонжон ўғлига 2021 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти академик лицейи томонидан берилган L № 0031212 рақамли Диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИГИНГ, БУ, АВВАЛО, ЎЗИНГГА ЯХШИЛИКДИР

Бу устоз Махмудовнинг севган ибораси – эътирофи. Одамлардан миннатдорлик сўзларини эшитса, тилида айтади, баъзан ажри катта, дея кўнглидан ўтказди. Шукр қилади. Умр бўйи раҳбарлик лавозимларида ишлаб бирон кишининг дилини оғритмади.

Телекоммуникация соҳасида иш бошлаган йилларидаёқ ўзининг раҳбарлик, ташаббускорлик салоҳиятини намойён этган, кейинчалик таъминотчилик борасидаги уддабуронлиги ва омилкорлиги соҳага катта наф келтирганди. Почта соҳасида ҳам кўп йиллар биринчи раҳбар сифатида обрў-эътибор қозонди. “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали бўлим бошлиқлари Асалхон Халилова ҳамда Турғуной Тешабоеваларнинг таърифларича, ўта талабчан ва айни пайтда ғамхўр бўлиб, йиғилишларда иш юзасидан қаттиқ-қуруқ гапириб юборса ҳам бир зумда унутиб кетаверадиган, ўзи ҳам тинмай ишлаган, бошқаларни ҳам тиндирмаган. Лоқайдлик, ўзибўларчиликка тоқатсиз бўлган.

“Ишламаган куним, яшаманган кунимдир” деб, мана олти йилки, филиал бошлангич касабаси уюшмаси кўмитаси раиси сифатида ҳам Муродил ака Махмудов ўзининг янги қирраларини намойиш этиб келмоқда. Йўқдан бор қилиб, ҳомийлар топиб, меҳру саховат юмушларини олиб бораётгани, одамлар кайфиятини тез илғаб, тез таҳлиллаб, хулосалар билан иш юритиши ҳаммага аён. Бир сўз билан айтганда, Муродил аканинг иқтисодий ва маънавий масалаларга баравар аҳамият бериши, почта соҳасининг синовли йилларида ҳам одамлар руҳини кўтариб умидида қилган солиҳ амаллари Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг ҳам эътиборида экан. Ўтган йили кенгаш “Ташаккурнома”си ва қимматбаҳо совгалари билан тақдирланган бўлса, яқинда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг “Эътиром” белгиси билан мукофотланди. Муродил Раҳматовични табрикловчилар кўп бўлди. Телекоммуникация ва почта соҳасидаги шогирдлари, ҳамкасблари – бари устозлари қувончларига шерик бўлишди.

Касабақўмлик жабҳасида шогирдларидан бири – “Ўзбектелком” АК Фарғона филиали бошлангич касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Муроджон Азамовнинг шодлиги



ўзгача эди. У ҳам қисқа муддатли иш фаолияти давомида ўзининг энг яхши фазилатларини намойён эта олгани, устозининг йўл-йўриқлари ва насиҳатларига қатъий амал қилгани туфайли одамлар ишончини қозонди. Ишларининг диққатга сазовор жойи шундаки, тўрт юздан ортиқ фахрийлар рўйхатини шакллантирди. Ўтган салкам тўрт йил мобайнида филиал директори Владимир Ежков ҳамда касабаси уюшмаси кўмитаси кенгаши аъзолари билан биргаликда умрини соҳа ривожига бағишлаган улуғларнинг кўнгилларини обод қилдилар. Яна бир ютуқ – спорт мусобақалари юксак даражада ташкилланаётгани, албатта. Баҳслари шунчалар кизгин ўтадики, бамисоли байрам дейсиз. Нафақат ғолиблар, балки барча қатнашчилар тақдирланади. Ўша кундан барчанинг ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат кўшилади, десак муболаға эмас. Касабақўмчиликда биринчи устозингиз Махмудовнинг йўлини бергани рост бўлсин, деб қолишади. Шунда Муроджон эътироз билдиргандай, устоздай бўлишимга ҳали анча бор. Мен устоздан ҳали кўп нарса ўрганишим керак, дейди. Саёхатлар ташкил этишда, ҳомийларни жалб қилишда, нозик муаммолар чиқиб қолганда ечимини дарҳол топиб, оқилона ечишда бироз иккила-

наман. Ана шунақа, устозлардан ўрганишим зарур бўлган жиҳатлар эҳ-ҳе, жудаям кўп...

– Яна бир устозим бор. Уни ҳам танийсиз, деди у менга. – Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассис Юнус Гафуров. Ҳар қандай мураккаб бўлмасин, вазиятдан олиб чиқиб кета олади. Олтин қодалари борки, риоя қиламан. Мен Фарғона политехника институтинида техника фанлари доктори, профессор Расул Тожиев, техника фанлари номзоди, доцент Баҳодир Файзиматов каби устозлар таълимини олгандим. Алоқа соҳасида ҳам жуда кўп устозлардан сабоқ олдим. Улар билан ҳақиқи равишда фахрланаман. Ҳозирги устозларимдан одамийлик, эзгулик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, яъни ихлос, сабр, шукр, мушоҳада илмларини оляпман. Мингга яқин одамнинг шарт-шароитини, феълини билишим шарт. Ахир воситачи, сулҳчи, адвокатман!

Отаси алоқа соҳаси устунларидан бири бўлмиш раҳматли Ҳасан Азамов бўлса-да, олийгоҳни тугаллаб ҳам электромонтёрлик каби энг оддий ишларда чарчланган Муроджон ўзини қўллаётган устозларигагина эмас, ҳар икки соҳадаги ҳамма устозларга хизмат қилиб чарчамайди. Зотан, хизмат қилсанг, хизмат кўрасан, дейдилар. Ҳар ойда пенсиядаги отахонлардан хабар олади, иссиқ-сувуғи билан қизиқди, давраларида ўтиради. Қўллади. Жамоадаги ишларнинг эса салмоғи ошса ошадими, қаймайди. Ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини химоя қилиш, дам олдириш, соғломлаштириш... санаб адоғига етиш қийин.

Ҳавас қилган етар муродга, деганлар бежиз эмас экан. Ҳавас қилган Муроджон муродига етмоқда. Ўтган 2021 йил 11 ноябр – Касаба уюшмалари ходимлари кўни таъсис этилганлигининг бир йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон касабаси уюшмалари кўнига 1 йил” кўрак нишони билан тақдирлангани ҳам бунга чиройли далил бўла олади. Яхшиликлар улашиб толманг, Муроджон, бинобарин, одамларга яхшилик, аввало, ўзингизга яхшиликдир.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

Саломатлик



Пиёда сайр юракни бақувватлаштиради

Янги ўтказилган тадқиқотлар кунлик қадам ташлашни 3000тадан 7000тага оширган кексаларда (60 ёшдан юқори) бевақт ўлим хавфи 50 фоизга пасайганини кўрсатди. Бу ҳақда The Lancet тиббиёт журналы ёзмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар ҳам кунига авваллари таъкидлаб келинганидек, 10 минг қадам эмас, балки 9 минг қадам юришса ҳам мукамал саломатликка эришишлари мумкин, дейилади хабарда.

Пиёда сайр юракни бақувватлаштириб, суякларни мустаҳкамлайди, мияга дам беради, мушакларни чиниқтириб, турли оғриқларни даф қилади

Маслаҳат



Машинангиз салони қизиб кетса...

Ҳадемай ёз кириб келади ва жазирама ўз кучини кўрсата бошлайди. Бу пайтда жонимизга кондиционерлар ора киради. Аммо ҳар доим ҳам улар кўмак беролмайди-да.

Масалан, салқин жой топилмаганидан машинангизни қуёшда қолдиргансиз, унинг салони роса қизиб кетиши табиий. Хўш, иссиқда “қайнаб” турган машинани тез совитиш йўлини биласизми? Уни совитишнинг тезкор ва оддий усули бор.

Бунинг учун аввало йўловчи томондаги ойнани туширасиз ва ҳайдовчи эшигини бир неча сонияга тез-тез очиб-ёпасиз. Бу иссиқ ҳаво тезроқ чиқиб кетиб, тоза ҳаво киришига имкон беради.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Tahrir Hay'ati:</p> <p>Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar"dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Muhiddin SOLIYEV.</p>									
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>		<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>		<p>Г-559 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3167</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>					
<p>Viloyat muxbirlari:</p>		<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>	<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>	<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>	<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	<p>Nukusda 554-35-45</p>	<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>	<p>Termizda (99)508-30-52</p>	<p>Toshkentda 234-18-59</p>	<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>	<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>	<p>Qarshida (93)931-08-99</p>